

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ МО 2-214

2019 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2019 йил “2” Мадор даги
1623 сонли бўйруғи билан
тасдикланган.

«ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ»

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

Мазкур ўқув дастури Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ва Лондон Метрополитен университети (Англия) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октобр даги 5-сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив ҳукуқий асослари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Туйчиева.
“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.д. проф. О.Мусурмонова, кат.ўқит. Р.Ишмуҳамедов, п.ф.ф.д. (PhD) А.Джураев, Д.Кушарбаев, Х.Акрамова.
“Таълим жараённада ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш” модули: т.ф.н., доц. В.Каримова, доц. В.Хамидов, ф.ф.н., доц. Т.Эшбеков, И.Исомов, А.Обидов, Ф.Отамуродов.
“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.
“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: т.ф.н., доц. В.Каримова, пс.ф.н. Х.Алимов, и.ф.ф.д. (PhD) А.Холов.
Махсус фанлар бўйича: проф. А.Круглов, проф. Д.Уорен, проф. Д.Габриэл, Д.Гулямова, проф. Р.Нуримбетов, проф. М.Махкамова, доц. Б.Назаров, и.ф.д. Ш.Отажонов, проф. Ф.Назарова, доц. Ш.Хусайнов, кат.ўқт. С.Иргашева, Н.Хақназарова.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. А.Ш.Бекмуродов,
п.ф.д., проф. Б.Х.Ходжаев.

Ўқув дастури БИММ Илмий-методик Кенгашининг қарори билан тасдиқға тавсия килинган. (2017 йил “ ” даги -сонли баённома)

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 11 июнданги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2019 йил 11 июнданги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, замонавий таълим тизимидағи педагогик инновациялар, таълим менежерининг инновацион компетентлиги, бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари, олий таълимда ахборот мұхитини ривожлантириш, PR-технологиялари, амалий хорижий тил, таълим бошқаруvida тизимли таҳлил, стратегик режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш технологиялари, шунингдек, олий таълимда сифат маданиятини ривожлантириш масалалари қамраб олинади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларда олий таълим муассасаларида сифатни таъминлаш борасида раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш, таълим сифатига эришиш, таълим сифати инновацион менежменти, Университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари, таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш, таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назорати, таълим жараёни мониторинги ва таълим сифати индикаторлари, шунингдек, бошқарув

стратегиялари соҳасидаги зарурий янги билим, кўникма ва малакаларни хамда компетенцияларни ўзлаштиришга хизмат қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси қўйидаги ўқув модулларидан иборат:

I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари

Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

Замонавий таълим тизимидағи педагогик инновациялар.

Таълим менежерининг инновацион компетентлиги.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш

АКТ ва таълим сифатини таъминлаш.

Олий таълимда ахборот мухитини ривожлантириш, PR-технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

Инглиз тили ва уни ўрганишдаги асосий аспектлар.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

Таълим бошқарувида тизимли таҳлил.

Стратегик режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

VI. Махсус фанлар

Таълим сифати инновацион менежменти.

Университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари.

Таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш.

Таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назорати.

Таълим жараёни мониторинги ва таълим сифати индикаторлари.

VII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

“Таълим сифати менежменти” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг мақсади – олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг таълим сифати менежменти борасидаги янги билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш асосида уларнинг таълим сифатини таъминлаш ва бошқариш соҳасидаги инновацион компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

“Таълим сифати менежменти” курсининг асосий вазифалари сифатида тингловчиларни олий таълим сифатини бошқариш соҳасидаги энг янги ютуклар, таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндошувлари, инновацион

йўналишлари, соҳадаги халқаро тажрибалар билан таништириш ҳамда уларда таълим сифатини бошқариш бўйича янги билим, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳисобланади.

Шунингдек, курс давомида тингловчилар томонидан куйидагиларни тушуниш ва чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган:

- таълим сифатини бошқариш соҳасида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий хужжатлар, уларни таълим амалиётида қўллаш сифати ва механизмлари моделлари;
- таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш йўллари;
- университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари;
- таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назорати;
- раҳбар кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш механизмлари.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Таълим сифати менежменти” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг асосий омилларини;
- замонавий таълим сифатининг мезон ва кўрсаткичларини;
- инновацион маркетингни стратегик ва операцион усулларини;
- университет 3.0 концепциясини;
- таълимни бошқаришнинг замонавий парадигмаларини;
- таълимда сифат менежменти тизимини;
- бенчмаркингнинг олий таълимда таълим сифатини оширишдаги ўрнини;
- бенчмаркингни амалга ошириш технологиясини;
- таълим сифатини оширишнинг назарий ва амалий асослари;

- олий таълим муасссалалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш механизмларини;
- жамоатчилик назоратининг субъектлари ва объектларини;
- жамоатчилик назорати субъектларининг хукуқ ва мажбуриятларини;
- жамоатчилик назоратининг асосий принциплари ва шаклларини;
- таълимда мониторинг жараёнлари ва назоратини;
- институционал ва дастурий аккредитация турларини;
- аккредитацияни олиб боришда стандартларнинг белгиланиши ва уларни белгиловчи ташкилотларни;
- таълим сифатини баҳолашда назорат турлари ва баҳолаш тадбирлари тизиминини;
- таълим индикаторларининг асосий функцияларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- таълим сифатини таъминлашда инновацияларни кўллай олиш;
- ОТМда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- трансфер марказлари ва технологияларни тижоратлаштиришни информацион қўллаб-қувватлаш;
- университет 3.0 моделида билимларни тарқатиш, генерациялаш ва тижоратлаштириш учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш;
- олий таълим муассасаси, битирувчи-мутахассис ва кадрлар буюртмачиси ўртасидаги ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйиш;
- давлат органларига мурожаатлар ва сўровларга жавоб ёзиш;
- жамоатчилик эшитуви ва мониторингини олиб бориш;
- таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш;
- таълимда ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш *қўникума ва малакаларига* эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- университет 3.0 модели асосида олий малакали битирувчилар сифатини ошириш борасидаги муаммоларни ечиш;
- таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратини таъминлаш;
- якуний давлат аттестациясини ўтказиш;
- давлат-жамоатчилик назоратини олиб бориш;
- олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш *компетенцияларига* эга бўлиши керак.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ” ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИННИГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ

I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристи. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг мухим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва Халқ таълими тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишининг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хукукий стандартларга мувофиқ аёлларнинг хукукларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вактларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташабbusи.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хукукий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хукукий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришининг хукукий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмuni. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга карши курашнинг хукукий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишининг хукукий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон хукуклари. Гендер муаммолари ва ўқув жараённида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонунисти хужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хукукий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукукий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий хужжатларни кўллаш амалиёти хамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Замонавий таълим тизимидағи педагогик инновациялар.

Таълимдаги замонавий тенденциялар. Таълимни модернизациялаш, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш. Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланиш стратегияси. Таълим мазмунини янгилаш, ўқитишининг инновацион технологияларини амалиётга жорий этиш. Инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолаш ўзи-ўзини касбий ривожлантириш. Компетенцияларга асосланган ўқитиши. Олий таълимни бошқариш тизимидағи инновациялар. Олий таълимдаги илғор хорижий тажрибалар. Кредит тизими ва ECTS кредитларининг хусусиятлари ва тамойиллари. Кредит тизими асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари (кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш ва бошқалар).

2.2. Таълим менежерининг инновацион компетентлиги.

Инновацион компетентлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Замонавий таълим менежерининг инновацион компетентлиги мазмун ва моҳияти. Таълим жараёнини инновацион ташкил этиш ва бошқаришда халқаро тажрибалар. Инновацион компетентликни шаклланиш босқичлари. Инновацион компетентлик – инновацион фаолиятнинг пойдевори сифатида. Таълим менежерининг инновацион фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив, деонтологик ва рефлексив ёндашувлар. Таълим менежери фаолиятини илмий ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини кўллаб-қувватлаш мазмуни, шакл ва усувлари. Инновацион фаолиятда педагогик маҳоратнинг роли. Таълим менежери фаолиятини ташкил этишнинг инновацион шакллари (медиа алоқа, веб, мулокот, электрон қабул ва бошқалар). Таълим менежери фаолиятини интерактив воситаларни кўллаган ҳолда ноанъанавий тарзда инновацион ташкил этиш воситалари: аудиовизуал воситалар, медиа алоқа, веб, мулокот, эвристик сұхбат ва бошқалар. Таълим менежери касбий компетентлигини баҳолаш индикаторлари ва унга инновацион ёндошув. Таълим менежерининг инновацион усувлар асосида такомиллаштириш. ОТМ фаолияти йўл харитасини

тузиш ва амалга оширишда таълим менежерининг инновацион компетентлиги. Инновацион фаолият диагностикаси ва квалиметрияси.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. АКТ ва таълим сифатини таъминлаш.

Таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари. Таълимни бошқаришда LMS тизимлари. Moodle тизими ва унинг имкониятлари. Сифат мониторингини олиб боришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш. АКТ асосида ҳамкорликни ташкил этиш.

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари. ERP ва CRM тизимлар ва уларнинг имкониятлари. Аддитив технологиялари. Катта маълумотлар (Big Data) асосида таълим сифатини таъминлаш. Электрон ҳукумат. Электрон кутубхона тизимлари. Ўзбекистон Республикаси таълим порталлари. Электрон ҳужжат айланиши тизими. Электрон ҳужжат айланиши тизимида ахборот хавфсизлиги.

3.2. Олий таълимда ахборот мухитини ривожлантириш, PR-технологиялари.

Таълимни ахборот мухити: тузилиши, хусусиятлари, ИОТ технологиялари, булатли технологиилар, VR технологияларининг ахборот таълимий мухитидаги роли. Web2,0 технологиялари асосида ахборот таълим мухитини такомиллаштириш. Электрон таълим ва мобил таълимни ташкил этиш. Таълимий ракамли ресурслар (Очиқ таълим ресурслар, МООС ва ҳ.к.). Таълимий илмий тармоқлар. QR-код технологияси асосида электрон ресурсларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш механизмлари. ОТМнинг сиртқи таълим йўналишларида электрон таълим (масофадан ўқитиш) тизимини жорий этиш механизми.

Медиакомпетентлик, раҳбар ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

PR-технологиялари. PRнинг назарий, методологик ва ҳукуқий асослари. Жамоатчилик билан алоқаларнинг назарий асосларини PR-технологиялари асосида ўрганилиши. Жамоатчилик билан алоқаларни йўлга кўйиш ва ривожлантиришда ахборот хизматларининг ўрни. Оқ ва қора PR. Қора PRдан химояланиш усуллари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Инглиз тили ва уни ўрганишдаги асосий аспектлар.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг

аҳамияти (грамматика ва лексика – А2-В1). Маданиятлараро мuloқot компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урфодатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг аннотациясини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мuloқotга кириша олиш кўникмасини шакллантириш. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тингловчини ўз даражасини аниқловчи услублар билан таништириш.

Рахбарлик фаолиятига оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, бошқарув жараёнлари, ҳамкорлар билан учрашувлар, тақдимотларда хорижий тилдаги мuloқot кўникмаларини ривожлантириш.

Куйидаги мавзуларни ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш: саломлашиш ва шахсий маълумот бериш. Тил ўрганилаётган мамлакатлар маданияти. Ўзбекистон ҳақида. Ўзбекистоннинг машҳур инсонлари. Резюме тўлдириш. Касб ва иш фаолияти. Кун тартиби. Дам олиш куни. Бўш вақтни самарали ўтказиш. Маданий ҳордик. Телефонда сухбат. Саёҳат. Транспорт. Кашибиётлар. Санъат, фан ва таълим. Вақтни тўғри тақсимлаш. Тили ўрганилаётган мамлакат анъаналари. Таомлар. Мамлакат, миллат ва тил.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Таълим бошқарувида тизимли таҳлил.

Тизимли таҳлил модули мақсади ва вазифалари. Тизимли таҳлилнинг асосий принциплари ва тушунчаси. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлилнинг вазифалари ва принциплари. Тизимли таҳлилнинг ривожланиши ва шаклланиш босқичлари. Тизимли ёндашув ва тизимли тафаккур. Тизимларни таҳлил қилишда аналитик ва сифатли ёндашувлар. Сифатли қарорлар қабул қилиш усулари. Бошқарувда тизимли таҳлил хусусиятлари.

5.2. Стратегик режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

ОТМларда стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш (foresight). Стратегик менежмент. Замонавий давлат бошқаруви. Қисқа, ўрта ва узок муддатли стратегик режалаштириш. Давлат бошқарувида илғор давлат менежменти ва “аклли” бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш. ОТМ бошқарувида стратегик менежмент ва риск менежментининг илғор инсрументлари (усуллари)ни кўллаш. Стратегияни ишлаб чиқиш. Стратегияни амалга ошириш. Стратегияни баҳолаш. ОТМларда бошқарув қарорлари қабул қилишга таъсир этувчи омиллар таҳлили. Бошқарув қарорларини қабул қилиш даражалари ва унга таъсир этувчи

омиллар. ОТМларда бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш. ОТМларда бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг очиклиги ва шаффоғлигини таъминлаш. Бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш усуллари (функционал таҳлил, моделлаштириш, «муаммони идентификациялаш», «дельфи усули», «эксперт баҳолаш» ва ҳаказо). ОТМлар бошқаруvida очикликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш. Олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш.

VI. Махсус фанлар

6.1. Таълим сифати инновацион менежменти.

Таълим сифати ва инновацион менежментнинг назарий асослари. Таълим сифати, инновация, инновацион фаолиятнинг моҳияти. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежментнинг асосий омиллари. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларида инновацияларнинг таълим сифатига таъсир этувчи омиллари. Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг асосий турлари. Замонавий таълим сифатининг маезонлари ва қўрсаткичлари. Таълим сифатини таъминлашда инновацияларнинг кўллаш йўллари. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежмент самарадорлиги. Инновацион маркетинг. Таълим сифатини оширишда интеллектуал мулк. Инновацион маркетингни стратегик ва операцион усуллари. Таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятнинг жаҳон тажрибаси. Халқаро сифат стандартларида инновацион менежментнинг аҳамияти. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашда инновацион фаолиятни ташкил этиш. Инновацион лойиха.

6.2. Университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари.

Университет концепцияси эволюцияси. Тадбиркорлик университетлари - университет 3.0 концепциясининг замонавий ривожланиш босқичи сифатида. Тижоратлаштириш жараёнлари ва технологиялар трансфери университетнинг асосий модели компонентлари сифатида. Технологияларни тижоратлаштириш моделлари. Трансфер технологиялар. Трансфер марказлари ва технологияларни тижоратлаштиришни информацион кўллаб-кувватлаш. Университет 3.0 моделида билимларни тарқатиш, генерациялаш ва тижоратлаштириш учун ахборот тизимларини лойиҳалаштириш асослари. Замонавий университетларда технологиялар ва лойиха бошқаруви. Таълимни бошқаришнинг замонавий парадигмалари. Таълимда сифат менежменти тизими. Олий таълимда сифат менежменти тизимининг жорий этилиши ва ривожланиш стратегияси.

Университет 3.0 модели асосида олий малакали битиувчилар сифатини ошириш борасидаги муаммолар ва ечимлар. “Университет 3.0” концепциясини амалга ошириш бўйича прогнозлаштиришнинг методик тизими модели. Таълим хизматлари маркетинги тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари. Олий таълим муассасаларида таълим хизмати маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириш. Бенчмаркингнинг олий таълимда таълим сифатини оширишдаги ўрни. Бенчмаркингни амалга ошириш технологияси.

6.3. Таълим сифатини таъминлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини жалб этиш.

Таълим сифатини оширишнинг назарий ва амалий асослари. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш. Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш механизми. Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ўртасидаги консорциумни ташкил этиш механизми ва унинг таълим сифатини таъминлашдаги ўрни. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни, иш берувчиларни ва ота-оналарни жалб этиш. Якуний давлат аттестацияси комиссияларининг таркибига кадрлар буюртмачиларини киритиш амалиёти. Олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ва рақобатбардошлигини таъминловчи хорижий илгор тизимларни бошқарув ва таълим жараёнига жорий этиш. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт соҳалари ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш истиқболлари асосида олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш жараёнини прогнозлаш.

6.4. Таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назорати.

Жамоатчилик назоратининг субъектлари ва объектлари. Жамоатчилик назорати субъектларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари. Жамоатчилик назоратининг асосий принциплари. Жамоатчилик назоратининг шакллари. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар. Жамоатчилик эшитуви ва мониторинги. Олий таълим муассасалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом. Таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни. Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар. Олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш. Олий таълим муассасалари жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари. Жамоатчилик кенгashi фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш. Таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрнини тўғри баҳолаш ва тегишли хулосалар чиқариш.

6.5. Таълим жараённи мониторинги ва таълим сифати индикаторлари.

Таълимда мониторинг жараёнлари ва назорат. Институционал ва дастурий аккредитация турлари ва уларнинг қиёсий таҳлили. Аккредитацияни олиб боришида стандартларнинг белгиланиши ва уларни белгиловчи ташкилотлар.

Таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш. Европа олий таълим тизимларида сифатни баҳоловчи институтлар таҳлили. Таълим сифатини баҳолашда назорат турлари ва баҳолаш тадбирлари тизими.

Таълимда ўкув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилишда раҳбар кадрларнинг ўрни.

Якуний давлат аттестацияси. Давлат-жамоатчилик назорати. Ташқи назорат, Ички назорат. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш.

Таълим индикаторларининг асосий функциялари.

VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўкув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари асосида), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари хамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўtkазилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар жараённида тингловчиларда таълим сифатини бошқариш фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича билимлар, кўнимкалар ва малакаларнинг амалий жиҳатлари ривожлантирилади. Амалий машғулотлар кичик групхларда таълимнинг интерфаол методларини қўллаган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъододли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан катнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий

ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Раҳбар кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида раҳбарлар асосий иш жойи бўйича малакавий амалиётдан ўтадилар. Малакавий амалиёт даврида раҳбар асосий иш жойи бўйича таълим менежменти, таълим сифатини таъминлаш ва бошқарув стратегияси соҳасидаги мавжуд иш тажрибасини таҳдил қиласида ҳамда таълим сифатини таъминлаш мақсадида келгусида амалга ошириладиган ишлари бўйича ўз Ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқади.

Лойиха устида гуруҳ ишини ташкил этиш босқичлари

Лойиха устида гуруҳ иши курс дастурининг иккинчи ҳафтасидан бошлаб ташкил этилади ва бунда:

- курс тингловчилари умумий қизиқишлиари ҳамда фаолият соҳалари асосида 3-5 кишилик гурухларга бўлинади;
- гурухлар турли хил ОТМларда турли хил вазифаларни бажарадиган (масалан, ўкув ишлари бўйича, илмий тадқиқотлар бўйича, молия-иктисод, маънавий-маърифий ишларни бошқариш бўйича) раҳбар кадрлардан ташкил топади;
- ҳар бир гуруҳ курс тренерларидан алоҳида маслаҳатчи олиши;
- виртуал ўкув платформасидан тегишли маълумотлар олиши ва тьюторлик хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг охирги ҳафтасида (тасдиқланган режа-график асосида) ҳар бир гуруҳ фаолият режаси асосида лойиха мавзуси бўйича қилинган ишлар, олинган натижалар ва хуроса-тавсияларини Атtestация комиссиясида химоя қиласи.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, вебинар технологиялар ва on-line маслаҳатлар, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

Шунингдек, таълим сифатини ошириш масалалари бўйича журналларда чоп этилган илмий мақолалар, халқаро ва республика конференциялари, семинарлар материаллари тавсия этилади.

Адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011. -440 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 591 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишлиланган илмий-оммабоп қўлланма. Муаллифлар гурӯҳи. – Т.: Маънавият, 2019.

17. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

18. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ, 2010. 662 с.

19. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўкув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.

20. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

21. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

22. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000.–176 с.

23. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.

24. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

18.Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. – Т.: Мехнат, 1999.

25. Фуломов С.С. Менежмент асослари. Т.: “Ўзбекистон”, 2002. -368 б.

26. Attila Pausits. Human Resource Management in Higher Education: Case Studies and Future Scenarios. 2015.

27. Marmar Mukhopadhyay,_Quality Management in Higher Education. 2016.

28. João Rosa, Maria, A. Amaral. Quality Assurance in Higher Education: Contemporary Debates (Issues in Higher Education). 2014.

29. Жариков В.В., Жариков И.А., Однолько В.Г., Евсейчев А.И. Управление инновационными процессами: учебное пособие / – Тамбов : Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2009. –180 с.

30. Грибов В.Д., Никитина Л.П. Инновационный менеджмент: Учебное пособие / -М.: НИЦ Инфра-М, 2013. -311 с.: 60x90 1/16. – (Высшее образование). ISBN 978-5-16-004870-3.

IV. Интернет сайлар

- 31. www.gov.uz
- 32. www.press-service.uz
- 33. www.ziyonet.uz
- 34. www.edu.uz

“КЕЛДИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва
малакасини оширишни ташкил этиш
хамла мувоффиклаштируви бошкармаси
бошлиги  **Ф.Т.Эсанбобоев**

— “ — 2019 й.

М.ў.

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва
раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини оширишни
ташкил этиш Бош илмий-методик
маркази


директори **Г.Т.Шоймардонов**

2019 й.